13. Кексайган ёшга хушмуомалалик туфайли ҳосил бўладиган эвфемизмлар. Таққослаймиз: рус. эвф. *бальзаковский возраст (Бальзак ёши)* – қариётган аёл ёши маъносида; *в возрасте (ёшига етган), в годах (кексайиб қолган), в летах (ёши анчага бориб қолган), почтенный возраст (ёши улгайиб қолган), взрослый(ая) (катта ёшдаги), годы не маленькие (кичик бўлмаган ёш), зрелый (етук ёш), преклонных лет (кексайган, қариган ёш)* – қариётган, кексайган сўзи ўрнида; *возраст осени (куз ёши), закат дней (кун ботиши), золотая осень (олтин куз), золотой возраст (олтин ёш)* – қарилик ўрнида; *возраст элегантности (келишган)* – ўрта ёшларда ва эрта қарилик ёш; ўзб. эвф. *фахрий (фахрия), оқсоқол, ёшули, нуроний, кексалик либосини кийган, баҳори тугамоқ, ошини ошаб, ёшини яшамоқ, кўздан нур кетмоқ, соқоли кўксига тушмоқ* – қари, қариган сўзи ўрнида ва бошқ.

14. Ўлим билан боғлиқ маросимлар, номлар, дафн жойлари номлари, ўз жонига қасд қилиш билан боғлиқ эвфемизмлар. Таққослаймиз: рус. эвф. *оставить мир (дунёни тарк этиш), отдать Богу душу (Худога руҳини топшириш), к лучшей жизни (яхши ҳаёт томон кетмоқ), к праотцам (бобокалонлар олдига кетмоқ), в мир иной (бошқа оламга кетиш), погасать (сўнмоқ), потухать (ўчмоқ), увянуть (сўлимоқ), угаснуть (учмоқ), угомониться (овози ўчмоқ), закрыть глаза (кўзини юмди), заснуть вечным сном (мангу уйқуга кетмоқ)* – вместо умирать (умереть) (ўлмоқ сўзи ўрнида); ўзб. эвф. *жаннати бўлмоқ, жони чиқмоқ, мулкни эгасига топширмоқ, мусулмончилик қилмоқ, Аллоҳга керак бўлмоқ, Парвардигорга керак бўлмоқ* – ўзбекча ўлмоқ сўзи ўрнида ва бошқалар.

15. Ҳайвонларни тўғридан-тўғри номлаб айтишдан қутулиш учун қўлланилувчи эвфемизмлар. Таққослаймиз: рус. эвф. *Кум (оғайни), серый (маллавой)* – бўри сўзи ўрнида; *кумушка (эшбатчи)* – тулки ўрнида; *грязной*

(ифлос), дед (бобо), дядя Миша (Миша амаки), мохнаты (жуни тўзиган), топтыга (айиқвой), Михаил Иванович Топтыгин (Михаил Иванович Топтигин), Мишка (Мишка), Мишук (мишкача), Потапыч (Потапич), зверь (хайвон), лесник (ўрмончи), ломака (бузгунчи), мохнач (пахмайган), Михаил (Михайло) Иванович (Иванич) Топтыгин (Михаил (Михайло) Иванович (Иванич) Топтигин), мишка (айиқча), мишук (полвон), овсяник (сўли), он (у), сам (ўзи), хозяин (хўжайин), священный зверь (муқаддас хайвон), старик (қария) – айиқ сўзи ўрнида; ўзб. эвф. ўрмон эгаси, Тайга каттакони, паҳмоқ ва бошқ.

16. Кўпол, ҳақоратли сўзлар ўрнини алмаштирувчи эвфемизмлар. Таққослаймиз: рус. эвфемизмлар ёлки-палки (эх, аттанг), ёлки точёные (қайралган таёқ), ёклмн [ё-кэ-лэ-мэ-нэ], ёпрст [ё-пэ-рэ-сэ-тэ] (кўча адабиёти), заборная брань (пештаҳам), заборные слова (пештаҳам иборалар, иди на фиг (бировни масхара қилиш учун бош бармоқни икки бармоқ ўртасига суқиб кўрсатиш), иди на хрен (алжираган чол), мать твою, мать твою растак да разэтак (мать твою – сени онангни кўрсатаман), пару ласковых говорить (сказать) (икки оғиз ширин сўз (айтмоқ)), по известному адресу послать (отправить) (аниқ манзилга жўнатмоқ), посылать (послать) подальше (куда подальше) (узоқроқ жўнатиш), посылать (послать) на БАМ (БАМга жўнатиш), послать (посылать) на три буквы (уч ҳарфга жўнатиш) – жуда кўпол сўкиниш ўрнида.

Диссертациянинг «Рус ва ўзбек тилларидаги лексикографик луғатларда акс этган эвфемизмларнинг функционал-семантик хусусиятларини таснифлаш» деб номланган иккинчи бобидаги тадқиқот эътибори рус ва ўзбек тиллари эвфемизмларининг лексикографик тавсифини аниқлашга қаратилган. Тадқиқ қилинаётган тилларнинг эвфемизмларини таҳлил ва классификациялаш учун луғатларни танлаш мезонлари белгиланди. Рус ва ўзбек тиллари эвфемизмларининг тематик гуруҳлари хусусиятларининг лексикографик ифодаси тадқиқ қилинди. Таҳлил жараёнида лексикографик тавсиф жихатидан рус ва ўзбек эвфемизмларининг функционал-семантик типологияси ишлаб чиқилди.

Эвфемизм ва дисфемизмларни лексикографик қайд этиш тўғрисида россиялик олимлар ўз асарларида таъкидлаб ўтганлар [В.П.Московин, 2001, Ю.С.Арсентьева, 2010]. Россия ва Ўзбекистонда лексикограф олимлар лексик қатламга XX аср охири XXI аср бошларида алоҳида эътибор бера бошладилар. Айнан ўша пайтда рус ва ўзбек тилларининг биринчи ихтисослашган луғатлари пайдо бўлди [М.Л.Ковшова, 2007, Е.П.Сеничкина, 2008, А.Омонтурдиев, 2006, Ш.Гулямова, 2019].

Луғатларни тузувчилар учун асосий қийинчилик эвфемизм ва дисфемизмларнинг хусусиятлари ҳисобланади, айнан: нутқ маданиятидаги узоққа бормаидиган ва кескин ўзгаришлар динамикаси ва уларга хос сўзларнинг эмоционал бўёқдорлигидир. Масалан: рус тилининг ёмон эшитувчи, кўзи ожиз, ёшига етган эвфемизмлар «кар», «кўр», «қария, қари момо» лексемаларидан фарқли ўлароқ турли коммуникация иштирокчилари

учун нейтрал, ижобий ёки пейоратив бўёкка (рангга) эга бўлиши мумкин¹⁴; ўзбек тилининг *эшитмайди, аъмо, басир, зарир, кўзи ожиз, ёши улуг, кекса* – «кўр», «кар», «қари» лексемалари ўрнида қўлланилади¹⁵.

Луғатлардаги эвфемизмларни тақдим этиш усуллари таҳлил қилишда муаллиф А.Омонтурдиевнинг [2006: 134] ўзбек тилидаги эвфемизмларнинг қисқача луғати (кейинчалик ЎТҚЭЛ 2006) ва Е.П.Сеничкинанинг рус тилидаги эвфемизмлари луғатини танлади (кейинчалик СЭРЯ 2008). Тузувчи – муаллифларнинг асосий фикри бўйича ушбу луғатлар эвфемистик лексикани ўз ичига олган биринчи кенг қўламли луғат ҳисобланади.

Е.П.Сеничкина рус тили эвфемизмлари луғатининг муқаддимасида шундай изоҳ беради: «Бу луғат рус тили эвфемизмлари луғатининг биринчи тажрибасидир. Луғатга аксарият адабий тил эвфемизмлари киритилган. Ҳақоратли сўзларнинг ўрнини босувчи сўзлашув тилига оид сўзлар истисно тариқасида қўлланса ҳам, уларни луғатдан чиқариб ташлаш сунъий чеклов бўлади» [СЭРЯ 2008: 4]. Луғатда шундай турдаги сўзлар ва турғун сўз бирикмалари мавжудки, улар фақат жамиятнинг тарихий ривожланишидаги маълум бир босқичида эвфемизм ролини бажарган.

Мазкур лексикографик манбанинг муаллифи этимологик маълумотларга, муваффақиятли шарҳларга таянади. Ана шу луғат рус тили эвфемизмларини таърифлаш билан боғлиқ вазифани бажаради. Бундан ташқари, луғат рус тилида сўзлашувчининг нутқини «ахлоқий ва эстетик жиҳатдан мақбул ва коммуникатив нуктаи назардан асосли бўлишига ёрдам беради». Шу ўрнида Е.П.Сеничкинанинг луғати академик изоҳли луғатлардан тубдан фарқ қилади, чунки сўзларни изоҳлашдан ташқари луғат, асосан, «сўзларни эвфемистик қўллашнинг маъноси» «ўрнида» деган белгини ёритишга қаратилган. Таққосланг: автопилотда – тўйиб ичиш, қаттиқ маст бўлиш ўрнида қўлланилади [СЭРЯ 2008].

«Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати» тузувчиси А.Омонтурдиевнинг фикрича, луғат сўзлигининг асосини актуал эвфемияланган лексика ҳамда сўзлашув, содда сўзлар ва иборалар ва диний тушунча ҳамда таърифлар билан боғлиқ сўзлар ташкил этади. Қисқа тематик-эвфемик луғат назарий асосга эга ва ўзбек тилшунослигида яқинда ўрганила бошлаган эвфемизм феномени натижасида пайдо бўлди.

Мазкур луғат айбдорлик, уят, ҳаёсизлик тушунчаларини алмаштириш билан бевосита муносабатларни ифодалайди: қўполлик ва ҳақорат; қайғу, дард, азоб, ҳасрат, дард-алам, таъзия; инсонга муносабат: ҳақорат, ҳурмат қилмаслик, устидан кулиш, хўрлаш, масхаралаш, камситиш; ўғрилиқ, хиёнат, жиноят ва ҳоказо. Бундан ташқари, ноўрин, ноқулай, маданиятсиз, ахлоқсиз, беадаб ва ифлос сўзлар (табу таъқиқ, дисфемизмлар, какофемизмлар, варваризмлар, вульгаризмлар) нутқ мукамаллигига эришиш учун иложи борица енгил, ифодали ва ҳушовоз бўлиши учун тасвирий ва ёқимли

¹⁴ Сеничкина Е.П. Словарь эвфемизмов русского языка. – М.: Флинта: Наука, 2008. – С. 464.

¹⁵ Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. – Тошкент: Халқ мероси, 2006. – 134 б.

воситалар билан алмаштирилган, юмшатирилган, бўшатирилиб ажратилган [ЎТҚЭЛ 2006: 3].

Рус ва ўзбек тилларининг эвфемизмларини ўрганиш жараёни қуйидаги параметрлар: 1) рус ва ўзбек тилларининг эвфемизмларини танлаш ва маънони изоҳлаш тамойили; 2) икки хил тил тузилмаси нутқнинг миллий маданий эвфемизациясини акс эттириш тамойили; 3) тематик ва функционал-семантик таққослаш тамойилари билан белгиланади.

Ўтказилган таққословга кўра, эвфемизмлар луғатини ташкил қилишда энг муҳими маълум тематик гуруҳдаги лексик бирликларнинг типологик тадқиқотга тааллуқли материали, иллюстратив мисолларнинг манбалари, ҳаттоки, луғатни таққослаш тузилишига таъсир қилувчи дифференциаллик тамойили ҳисобланади. Бироқ мавжуд луғатлардан бирортаси ҳам эвфемистик нутқни тўлиқ лексикографик тадқиқ қилиш имкониятини яратувчи ва қисман материални излаш масаласи билан боғлиқ табиий замонавий кундалик сўзлашув нутқида лексик бирликларни қўллаш хусусиятлари ўрнига қўллаш имконини бермайди.

Барча тақдим этилган лексик бирликлар луғатларни тавсифлаш объекти бўлиб, улар эвфемизм (сўз) ҳисобланади. Русча ва ўзбекча маиший сўзлашув нутқини ҳар томонлама ўрганиш учун бундай ёндашув етарли эмас, чунки бундай усул, хусусан, рус ва ўзбек тилларининг нутқ хилма-хиллигини яратувчи шартли нутқий бирликларни ўрганмайди. Бироқ, умуман, эвфемизациянинг лексикографик тавсифидан воз кечмаслик керак, чунки бу тил ва нутқ материални тақдим этишнинг маъқул усулларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида бугунги кунда рус ва ўзбек тиллари луғатларида қайд этилган ва қабул қилинган, анъанавий эвфемизмлар билан турли нотўғри сўзларнинг янги ўриндошлари аниқланди. Бундай эвфемизмлар замонавий тилда ўз ўрнини топиши мумкин (1-жадвал).

Эвфемизмларни лексикографиялаш учун қийин иш деб ҳисобланган сабаблардан бири нутқни эвфемизациялаш усулининг ўзига хослигидир. Мазкур тадқиқотда рус ва ўзбек тилларининг ўрганилаётган ва лингвистик манбаларда қайд этилган эвфемистик бирликларнинг ҳосил бўлиш усулларини таҳлил қилишга ҳаракат қилинган. Бундай тадқиқот замонавий изоҳли луғатларда эвфемистик самарани яратишда қайси воситалар ўз аксини топганлиги ҳамда эвфемизмларнинг айрим турларини қайд этиш, луғавий муаммони тушунтириш ва таҳлил қилишда ҳулоса чиқариш имконини беради.

Эвфемистик бирликларни қайд этувчи лексикографик ишларни таҳлил қилиш алоҳида қизиқиш уйғотмоқда; аввало, бирор-бир миллий тилдаги кодлаштирилган репрезентатив манбаларнинг изоҳли луғатларига хосдир. Маълум белги билан таъминланган эвфемистик бирлик корпусини ўрганиш «эвфемизм» тушунчасига нисбатан луғатнинг лексикографик концепцияси тўғрисида ҳулоса чиқаришга, ҳаттоки, ушбу ҳодисанинг қўшимча семантик тавсифини аниқлаш ва аксарият маълум тилда инсон ҳаётининг қайси

соҳалари эвфемизацияга зўр келиши тўғрисида хулоса қилиш имконини беради.

1-жадвал

Тадқиқ қилинувчи тил	Нотўғри (қўпол) сўз	Анъанавий эвфемизм	Янги тенденциялар	Луғатларда учрамайдиган, аммо сўзлашув нутқида қўлланилувчи эвфемизмлар
рус тили	ортиқча вазнга эга киши (семиз, тўла, семирган)	<i>танада</i>	<i>тўлишган, семирган, танаси кенгайган</i>	<i>огир, юмалоққина, савлатли, тўлишган, силлиқ, пахмайган, етарлича, семирган, хурпайган, келишган, кўркам, семиртирилган, яхши боқилган, қулочга сизмайди, метаболик чекланган, яхши танали, семиз, семирган тана, дабдабали, сайрли</i>
ўзбек тили	тўла одам (семиз одам)	<i>ўрта даражада тўлишган</i>	<i>ўртача вазли одам</i>	<i>ҳашаматли</i>

Тадқиқот жараёнида бошқа лексикографик манбалар ҳам ўрганилди: «Рус тилининг изоҳли луғати: 100000 яқин атамалар ва фразеологик иборалардан иборат / С.И.Ожегов проф. Л.И.Скворцовнинг таҳрири остида [2013]; Л.П.Крисиннинг «Чет тили сўзларининг изоҳли луғати» [2002]; «Рус тили луғати» А.П.Евгеньева таҳрири остида [1999]; «Ҳозирги рус тили луғати: 17 томда» [1950-1965]; «Ҳозирги рус тили изоҳли луғати. XX аср охиридаги тил ўзгаришлари» Г.Н.Скляревская таҳрири остида [2001]; «Рус тилининг изоҳли луғати» Д.Н.Ушаковнинг таҳрири остида [1996]; «Энг янги чет тилли сўзлари луғати (XX охири – XXI аср боши): 3000дан ортиқ сўзлар ва сўз бирикмалари» Е.Н.Шагалова таҳрири остида [2010]; «Ўзбек тили гендер хосланган эвфемизмларининг қисқача изоҳли луғати» Ш.Гулямованинг таҳрири остида [2019] ва бошқалар.

Танлаш йўли билан олинган, эвфемизм маркировкаси билан белгиланиб, рус тилида 700 ва ўзбек тилида 1500 бирликлардан иборат эвфемистик номлар корпусини таҳлил қилиш натижасида 16 та функционал-семантик гуруҳлар аниқланди (I бобга қаранг).

Таъкидлаш керакки, тақлиф қилинган тасниф нафақат эвфемизмларнинг семантик хусусиятлари, балки улардан мулоқотда фойдаланиш мотивлари, хусусан, кенг лексиканинг ўрнини босувчи сўзлар ва сўз бирикмаларига мос келади. Бу ушбу классификацияни белгилаш учун «функционал-семантик» атамани танлашга сабаб бўлди. Функционал-семантик гуруҳлар бўйича ажратилган эвфемистик номларнинг мисоллари ва уларни ўрганилаётган тиллардаги нисбатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир (*Диссертацияда кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган барча эвфемизмлар корпуси иловага жойлаштирилган*).

«Рус ва ўзбек тиллари эвфемизмларининг миллий-маданий хусусиятлари» деб номланган учинчи бобда таққосланаётган тиллардаги эвфемизмларнинг миллий-маданий хусусиятларининг ўзига хослиги

ўрганилиб, эвфемизмларнинг миллий-маданий хусусиятларининг тематик гуруҳлари белгиланган ва рус ҳамда ўзбек тиллари эвфемизмларининг миллий-маданий хусусиятларининг қиёсий-функционал тадқиқи ишлаб чиқилган.

Рус ва ўзбек тиллари эвфемизмларининг миллий-маданий типологияси учун икки халқнинг маданиятлараро компетенцияларининг ўзаро таъсири ва ўзаро боғлиқлигига қиёсий-функционал талқинни қўллаш ўринлидир.

Тилларни эвфемизмлаштириш соҳасидаги миллий-маданий хусусиятларни қиёслашдан мақсад ўзидаги ва бегона рангларни, фарқларни, яъни таққосланадиган эвфемизмларнинг ва турли тизим тилларидаги эвфемистик бирликларни аниқлашдан иборат.

Эскилик сарқитлари усулининг асосий ғоясига мувофиқ ҳар бир халқнинг маданиятида баъзи қолдиқлар сақланиб қолади ва улар орқали илгариги тарихий йўсиндаги ҳодисаларнинг ҳолати ва моҳияти тўғрисида хулосалар қилиш мумкин. Ўтмиш (эскилик)лар уч маънодан бирига эга бўлиши мумкин: ўзгармас қолдиқлар (мазкур ҳолатда эвфемизмлар); янги шароитларга мослашиш жараёнида ўзгаришларга дуч келган фикрлар ва урф-одатлар; қайта тикланган урф-одатлар ва тасаввурлар.

Тадқиқотда муаллиф жамиятнинг нутқ маданияти билан чамбарчас боғлиқ икки халқнинг менталитет хусусиятлари ва уларнинг миллий маданиятини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратган. Сабаби, ҳозирги кунда ҳар бир миллат маданиятида, тилида универсал ва ўзига хос миллий хусусиятлар мавжуд деган фикрлар кузатилади. Шу билан бирга, тил, ахлоқий нормалар, эътиқодлар, ҳамда хулқ-атворларда мустаҳкамланиб қолган ва фақат ҳар бир маданиятга хос мазмун ва хусусиятлар мавжуд.

Менталитет ва концептосфера бир-бири билан фикрлаш жараёнида ўзаро боғлиқ равишда ҳаракатда бўлади.

Халқ менталитети, аввало, унинг феъл-атвори, ҳаракатлари, коммуникатив фаолиятида намоён бўлади. Менталитет иқтисодий шароитлар, сиёсий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, табиат ҳодисалари ҳамда бошқа этник гуруҳлар билан алоқаларда шаклланади. Шундай қилиб, менталитет ҳақиқатни англаш ва тушунишнинг ўзига хос усулидир.

Табу, дисфемизмлар ва эвфемизмлар дунёқараш, маданият, дин, ҳаёт – турмуш тарзи, маиший ҳаёт, психология, маросимлар ва маълум бир этнос мифологиясининг хусусиятларини акс эттирувчи тил ҳодисасидир.

Қиёсий фан эвфемизация ёрдамида тил маданиятини шартли равишда акс эттирувчи ва маданиятни англаш инструменти, воситаси сифатида тил ва маданиятнинг яқиндан ўзаро муносабатларини тушуниб олишга асосланади.

Миллий-маданий ўзига хосликнинг вербал (оғзаки) мулоқот воситалари даражасида акс этиши ушбу даврда ва ушбу жамиятда мавжуд баъзи эвфемизмларни намоёиш этиш мумкин: бунда кўпинча баъзи ижтимоий шароитларда тўғри номланса, бошқа даврда эвфемистик белгиларни талаб этади.


Маълумки, турли тил ва маданиятларда устунлик тил бирликларининг айрим турларига берилди. Масалан, ўзбек маданиятида бегона кишига мурожаат этиш борасида қариндошлик атамаларидан: «ака», «акажон», «тоға», «амаки», «хола», «янга», «келин» атамалари турли ёшдагилар билан мулоқотларда қўлланилади. Мулоқотнинг ички параметлари, яъни кундалик мулоқот ва қатъий маросимланган вазиятларда муаллиф нутқ клишеларидан – бир қолипдаги ёки сийқаси чиққан гаплардан фойдаланилганини кузатиш мумкин.

Бу муаммо бўйича А.Омонтурдиев, Ш.Гулямова ва бошқалар қатор тадқиқотлар олиб борганлар. Масалан, рус тилида сўзлашувчи икки киши анъанавий саломлашишда, «Ишлар қандай?» деса, ўзбеклар кўпинча «Уйдагилар яхшими?» деб сўрашишлари миллий кадриятлардаги тафовутлардан дарак беради.

Юқорида келтирилган мисоллар, ҳамда муаллиф кузатувлари ва лингвистик таҳлил тажрибаси асл миллий-маданий тамойилни – тилда ифодаланган маданият объектини таҳлил қилиш муҳимлиги, тил ва тилдан ташқари бирлиги, эвфема чегарасидан чиқиш натижаси, маданиятни унинг ичига сингиб кетиши сифатида таърифлаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, икки тил эвфемизациясининг типологияси тўғрисида олинган ва тўпланган барча билимлар муаллиф томонидан рус ва ўзбек тиллари луғатларида янада тизимлаштирилди, тавсифланди. Шундай қилиб, луғат бир томондан, эвфемизмлар семантикаси соҳасида ишлаб чиқилувчи маълумотларни умумлаштира, иккинчи томондан, келгусидаги амалий ва назарий тадқиқотлар учун манба ва асос бўлади, модомики, унда рус ва ўзбек тиллари маданиятлараро эвфемизмлари, менталитети тўғрисида барча маълумотлар йиғилади, тизимлаштирилади, умумлаштирилади. Комплекс нуқтаи назаридан тақдим этилади. Бундай ҳолатда эвфемизмлар номлари лексикографик тавсиф бирликлари сифатида ўганилади.

Шу нуқтаи назардан тадқиқотда рус ва ўзбек тилларидаги эвфемизмларни таққослашда миллий-маданий хусусиятларни талқин қилиш модели ишлаб чиқилди:



Тадқиқот рус ва ўзбек тиллари эвфемизмларининг қиёсий-маданий хусусиятлари предмети бўлиб, икки турли код, яъни тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири натижасида тил белгиларининг маданий семантикасини ўргана

олувчи маданий характер омилларини белгиловчи тил эвфемизмлари, шахсинг нутқ фаолияти ва нутқ хулқ-атвори яққол тарзда ажралиб туришини кўрсатади. Зеро, тилга эга ҳар бир шахс бир вақтнинг ўзида маданият устунлигига ҳам эга бўлади. Бу эса, турли тил ва маданиятларга ҳам хосдир.

Таҳлил давомида ўзбек миллатига хос «совчилик», «оилавий ришталар», «бокиралик», «вояга етганлик» сингари эвфемизмлар рус луғатидаги функционал-семантик маълумотларга нисбатан кўпроқ эканлиги аниқланган. Шундан маълумки, рус тилида вояга етганликни билдирувчи эвфемизмларнинг функционал-семантик гуруҳи нисбатан кам.

Е.П.Сеничкинанинг «Рус тили эвфемизмлари луғати»да ёшларнинг вояга етганлигини билдирувчи эвфемизмлар келтирилмаган. Ўзбек тилида бу ҳолат, аксинча. Биргина А.Омонтурдиевнинг «Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати»да шу сўз ўрнига алмаштириш учун 15 дан ортиқ эвфемизмлар қайд этилган.

Эвфемизмларни етарлича адекват шаклда таққослашдаги асосий тўсиқ турли тиллар тушунчавий тизимларининг номувофиклигидир. Шунинг учун ҳам, келтирилган лексемаларнинг аксариятини таржима қилганда лексемага хос денотатив ва коннотатив семаларни асл тилида тушунтириб берувчи озми-кўпми батафсил миллий-маданий изоҳлар тавсия этилади¹⁶.

Рус ва ўзбек тилларининг кичик сонли тематик гуруҳининг даражали классификацияси эвфемизмлар миллий-маданий хусусиятларини қиёсий-функционал талқин қилишда эвфемизмлар икки турга бўлинади (оилавий ришталар билан боғлиқ эвфемизмлар бунга мисол бўла олади).

1. Лексик бир сўзли эвфемизмлар:

1) совчилик билан боғлиқ эвфемизмлар функционал-семантик гуруҳли: русча *договориться (келишув)* эвфемизми – сосватать (унаштириш) ўрнида, *избранница (махбуба)* – будущая жена (бўлажак рафика) ўрнида янги *новобрачные* (янги никоҳдан ўтганлар) – молодожены (келин-куёв) ўрнида; ўзб. эвф. *айтилмоқ, аталмоқ, бағишланмоқ, унаштирилмоқ* – унаштирмоқ ўрнида;

2) оилавий ришталар билан боғлиқ функционал-семантик гуруҳли эвфемизмлар: русча эвф. *окольцевать (халқаламоқ), зарегистрироваться (рўйхатдан ўтмоқ), расписаться (никоҳ рўйхатидан ўтмоқ)* – уйланиш ўрнида; ўзб. эвф. *бўлмоқ, олмоқ, қовушмоқ* – турмуш қурмоқ маъносида ва бошқалар.

3) эр ва хотиннинг ажралиши билан боғлиқ функционал-семантик гуруҳлар эвфемизмлари: русча эвф. *растаться, разъехаться (айрилиш)* – ажралиш ўрнида; ўзб. эвф. *айрилмоқ* – ажрашмоқ, никоҳни бекор қилиш ўрнида;

¹⁶ Саттарова Е.А. Несовместимость эвфемизмов русского и узбекского языков как основное препятствие для лингвокультурологического сопоставления / Проблемы современной науки образования. № 7 (152). – С. 67. – DOI: 10.24411/2304-2338-2020-10703.

4) ажрашган ёки ёлғиз аёлни белгилаш билан боғлиқ функционал-семантик гуруҳлар эвфемизмлари: русча эвф. *свободна (озод), вдова (бева), одна (ёлғиз)* – ёлғиз аёл ўрнида; ўзб. эвф. *бева, тул, есир, ёлғиз, тоқ, якка, ўзи* – эрсиз ўрнида.

2. Турли даражадаги компонентлар бирлашувининг эвфемик бирикмалари, масалан:

1) совчилик билан боғлиқ эвфемизмларнинг функционал-семантик гуруҳи: русча эвф. *прийти к согласию (бир фикрга келиш), подарить кольцо (узукни совга қилиш), сделать предложение (ўз никоҳига ўтишга таклиф қилиш)* – унаштириш ўрнида; ўзб. эвф. *бошини боғламоқ, насибаси-насибасига қўшилмоқ, нишона бўлмоқ* – унаштирмоқ ва бошқалар.

2) оила ришталари билан боғлиқ эвфемизмларнинг функционал-семантик гуруҳлари: русча эвф. *связать себя семейными узами (ўзини оила ришталари билан боғлаш), вступить в брак (никоҳдан ўтиш), повести под венец (эр-хотин бўлиш), заключить брачный союз (эр-хотинлик ришталари), создать семью (оила қуриш), стать одной семьей (бир оила бўлиш), обзавестись семьей (оилани бўлиш), привести в дом жену (уйга рафиқани олиб келиш), повесить хомут на шею (бўйинга бўйинтуруқ осиб қўйиш), начать совместную жизнь (биргаликда ҳаёт қуриш)* – уйланиш маъносида; ўзб. эвф. *бир ёстиққа бош қўймоқ, бир жуфт бўлиб келмоқ, бошини иккита қилмоқ, йўлдош қилмоқ* – уйланиш, умр йўлдош маъносида;

3) эр ва хотиннинг ажрашиш жараёни билан боғлиқ эвфемизмларнинг функционал-семантик гуруҳи: рус. эвф. *расторжение брака (никоҳни бекор қилиш), не сошлись характерами (характерлари мос келмади)* – эр хотин ажралиши ўрнида; ўзб. эвф.: *айрилиб кетмоқ, никоҳи бузилмоқ* – ажрашиш ўрнида ва бошқалар.

4) ажрашган ёки ёлғиз аёлга алоқадор эвфемизмларнинг функционал-семантик гуруҳи: русча эвф. *свободная женщина (боши очиқ аёл), без мужа (эрсиз)* – ёлғиз ўрнида; ўзб. эвф. *боши очиқ, озод аёл* – эрсиз ўрнида.

Турли манбаларда муаллиф томонидан ўзбек менталитети учун кўпол ва ёқимсиз, баъзан сўқиниш маъносида алмашиниб келувчи ўзбек тилининг 30 дан ортиқ эвфемизмларини аниқланди.

Ўзбек халқи, асосан, қадимги урф-одат ва анъаналарга риоя қилган ҳолда ушбу миллий-маданий мулоқот муҳити учун нутқда қўлланилмайдиган бир гуруҳ сўзларга нисбатан эмас, балки бошқа турли тушунчаларнинг ниқобланган ҳолатига ҳам эътибор қилган¹⁷.

Рус ва ўзбек тиллари эвфемизмларини таҳлил қилиб, ҳар бир белгиланган соҳада уларни тасдиқловчи эвфемизмларнинг етарли сони мавжудлиги кузатилди. Икки хил маданият нутқ ва хулқ-атвор жихатидан ўхшашдир. Эвфемизмлардан хушмуомалалик, эътиборли хулқ-атвор, низолардан қочиш, инсонга нисбатан хушмуомала бўлиш, унинг ҳолатига, аҳволига қизиқиб юриш ўрганилаётган иккала маданиятга хосдир.

¹⁷ Омонтурдиев А. Ўзбек нутқининг эвфемик асослари. – Тошкент: Халқ мероси, 2000. – 99 б.

Рус ва ўзбек маданиятлари менталитети жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилади: ўз урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи характери кишиларнинг феъл-атвори ҳамда ҳаётӣ стереотип ва мақсадларига кўра одобли муомала билан, яъни мулоӣимлиги ва хушмуомалалиги нейтрал эвфемизмлар, сўзлар ва иборалардан фойдаланишда муайян ҳаётӣ вазиятларда мос келади.

Модомики, эвфемизация жараёни учун маърузачининг нутқ мавзусини баҳолаш муҳим бўлгани каби уни тўғридан-тўғри белгилаш қўполлик, одобсизлик деб белгиланади.

Шундай қилиб, эвфемизмлардан фойдаланишдек хушмуомалаликнинг нутқ усули уларга мансуб бўлган рус ва ўзбек тиллари ва маданияти ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, улар кишилар ҳаётини яхшилади, мулоқотга ижобий таъсир кўрсатади, зиддиятли вазиятлардан қочишга ёрдам беради. Шу билан бирга тарбияни намойиш этиб, ўзига қаратишга ёрдам беради. Сухбат давомида сўзларга ижобий рангли, ҳиссий тус беради.

Бусиз ҳеч қандай мулоқот тўлиқ амалга ошмайди ва бундай маданият мукамал фаолият юрита олмайди.

Мазкур бобда ҳар бир халқнинг маданияти ва тилида умумий ҳамда миллий ўзига хос бирлиги ва умумқабул қилинган баҳолаш имкони бўлганидек рус ва ўзбек тилларида баъзи маиший ва гендерли эвфемизмлардаги миллий-маданий хусусиятларнинг қиёсий-функционал талқини ўрганилди ва ишлаб чиқилди. Шу билан бирга фақат ҳар қандай маданиятга хос тилга, ахлоқий нормаларга, эътиқод ва хулқ-атворга киритилган маданий маъно ва хусусиятлар мавжуд.

ХУЛОСА

Тадқиқотга яқун ясалиб, қуйидаги хулосалар шакллантирилади:

1. Эвфемизм нафақат салбий баҳони имплицит (яширин) ифодалашдан иборат тропни (образли сўз, кўчма маънодаги ибора) эмас, балки унинг тарихий ривожланишида муҳим ўрин тутувчи тил таркибининг элементини ифода этади, модомики, эвфемизация турли предмет ва ҳодисалар номлари ўзгариши ҳамда муваффақиятли тарзда алоқани ўрнатишга ҳаракатлардан келиб чиқувчи ва инсон томонидан ифода шаклларини доимий равишда баҳолаш, баъзан эса ортиқча баҳолашга асосланган узлуксиз жараён ҳисобланади. Эвфемизм нутқ маданиятининг тарихий ривожланиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади, чунки эвфемия ва тилнинг эвфемизацияси қўпол, беозор, ёқимсиз нутқни кўпайтириш учун турли хил объектларни белгилаш ва бир номни бошқасига янада муваффақиятли тарзда алмаштириш учун уларни номлашнинг узлуксиз жараёнидир. Тадқиқотдаги эвфемизмлар нутқни қабул қилувчига салбий ҳис-туйғулар ва коммуникатив ноқулайликни келтириб чиқармаслик мақсадида кераксиз, номақбул, қўпол ва дағал номларнинг ўрнини босувчи мақбул ва маъқул сўзлар ҳамда иборалар сифатида тушунилади.

2. Эвфемия ва эвфемизмлар муаммоси соҳасидаги назарий изланишлар тадқиқ қилинувчи ҳодисаларнинг мураккаблиги ва хилма-хиллигини ёритиб беради. Когнитив лингвистика оқимида тилнинг функционал-семантик тизимининг бирлиги сифатида сўзга ёндашиш доирасида турли тиллар эвфемизмлари классификациясини аниқлаш ва яратиш бўйича муваффақиятли уринишлар амалга оширилди. Рус ва ўзбек тилларида ўрганилаётган ҳодисани таснифлаш учун асослар ва икки хил тизимли тилларнинг қиёсий жиҳатида эвфемистик маънони ўрганиш зарурат ҳисобланади.

3. Тадқиқотда рус ва ўзбек тиллари эвфемизмлари миллий-маданий хусусиятларининг типологияси учун икки халқнинг маданиятлараро компетенциясининг ўзаро таъсири ва ўзаро боғлиқлигида қиёсий – функционал талқини қўлланилди. Рус ва ўзбек тиллари эвфемизмлари миллий-маданий хусусиятининг муаммолари миллий-маданий таҳлил антропологик парадигма асосида муаллиф томонидан ўрганилди.

4. Тадқиқот давомида рус ва ўзбек тиллари эвфемизмлари типологиясининг классификацион модели яратилди. Функционал таснифлаш тамойили шундан иборатки, эвфемизмлар турли коммуникатив кўрсатмаларга мос келувчи гуруҳларга бўлинади. Рус ва ўзбек тилларининг луғат манбаларидан тўпланган эвфемизмларнинг аниқ материаллари миллий-маданий хусусиятларини сақлаш учун уларни нутқда қўллаш мумкинлигини исботлайди.

5. Эвфемизациянинг тез-тез қўллаш усуллари орасида метофоризация – метонимизация – прономинализация, параномик алманишув, синоним ва антонимларни қўллаш (қисман антоним, тўлиқ антоним) сўз маъносининг кенгайиши ва торайиши, ишора, перефразалаш, мейозис тропини қўллаш сингари лексик-семантик воситалар алоҳида ажралиб туради. Шу билан бирга фонетик усуллар ҳамда фразеологизмлар (сукунат, ишора, товуш аналогияси фонетик бузилиш, тақлидий товуш) қўлланилади.

6. Рус ва ўзбек эвфемизмларини қиёсий таҳлил қилиш ҳар икки тилда ҳам эвфемизациялашда шундай ифодалаш воситаларини аниқлаш имконини берди. Буларга сўзлашувчи воситалар (сўзларни қўшиш, аффиксли сўз ясама, ономотопия, бошланғич аббревиация)ни аниқлаш имконини берди. Грамматика нуқтаи назаридан эвфемизмлар нутқ қисмига мувофиқ ўрганилган, эвфемизм – сўз бирикмлари ва гап тузилишига мувофиқ ажратилган; бошқа тиллардан ўзлаштирмалар аниқланган китобий сўзлар ва иборалар, хусусан, атамалар, бошқача ифода этиш, бир турдан иккинчи турга ўтказиш эллипсиси қўлланилган.

7. Рус ва ўзбек тиллари эвфемизмлари семантикасини таҳлил қилиш олами тасвирлашда миллий-маданий ўхшашликни, миллий ва маданий хусусиятни белгилади. Рус ва ўзбек тилларининг қиёсий жиҳатида эвфемизмлар мавзуси алоҳида ўрганилмаган ва ушбу диссертация ишида бу йўналиш бўйича тадқиқот биринчи марта олиб борилмоқда. Эвфемизмларнинг 16 тематик гуруҳини қиёсий таҳлил қилиш шунини

тасдиқлайдики, таққосланаётган тиллар ўртасидаги эвфемизациянинг сезиларли эмоционал ва баҳолаш тафовутига қарамай, ҳар иккала тилда ҳам миллий-маданий хусусиятнинг баҳосига нисбатан барқарор семантик ўзаро боғлиқликлар мавжуд.

8. Эвфемизмларни тадқиқ қилиш натижасида рус ва ўзбек маданиятига хос суҳбатдошга ҳурмат ва эҳтиром аниқланган, ўз ўрнида бу мулоқотчилар учун алоҳида аҳамиятга эга ва эвфемистик номни ўзгартириш ҳамда инсон фаолиятининг муҳим соҳасига мурожаат (инсон физиологияси, жинсий ҳаёти, ўлими, касалликлар) қилинган. Эвфемизм луғатлари изоҳли луғатлардан фарқли ўлароқ эвфемистик қўллашда сўз маъноларига эга. Бундай маънолар тил бирликларининг луғавий маъноларига тўлиқ мос келмайди, аммо, тор ёки кенг, кичрайтирилган, бўрттирилган ёки иккинчи даражали маъно билан тавсифланиши мумкин. Шу сабабли, луғавий ёзувда ўрн. белгиси ўрнида, деган белги билан келган, чунки ҳамма маънолар эвфемистик бўлиши мумкин эмас.

9. Типологик жиҳатдан фарқ қилувчи иккита тилни қиёсий лексикографик тадқиқ қилишда рус ва ўзбек тиллари менталитети эвфемизмларида универсаллик ва миллий-маданийликни кузатиш мумкин, чунки ўзбек тили маданияти учун оилавий ришталар, анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар, совчилик, эвфемизм – мурожаат билан боғлиқ эвфемизмлари кўпроқ ўзига хосликни ифодалайди. Рус тил маданияти инжилдаги дунёқараш ва аждодларнинг дунёқараш (эътиқодлар, афсоналар, афсунлар ва бошқалар) билан бевосита боғлиқ маданий ва миллий белгилар билан тавсифланади. Рус маданияти, шунингдек, сўкиниш сўзларининг ўрнини босадиган эвфемизмлар билан ҳам ажралиб туради.

10. Рус ва ўзбек тилларининг ўрганилган эвфемизмлари тасдиқлайдики, миллий менталитетда, миллий дунёқарашни ифода этувчи ижобий-позитив қимматли тоифалардан ташқари, инсоннинг салбий ҳаракатлари призмалар орқали ҳаётнинг, салбий ҳодисаларнинг кўп сонли модификациялари мавжуд. Лингвистик эвфемизация туфайли инсоннинг ижобий, олижаноб ёки салбий хатти-ҳаракатлари призмаси орқали миллий-маданий, дунёқараш қадриятларини тақдим этиш ва баҳолаш мумкин. Муаллиф томонидан ўрганилган тилларда эвфемизмларнинг ўхшаш функционал-семантик гуруҳлари мавжуд бўлиб, уларнинг моҳияти ва мақсади умумий салбий хусусиятлари, масалан, алкоголизм, қоралаш, пора, ёлғон, суиистеъмоллик, ўғрилиқ, турли хил жиноят турлари, хиёнат, яқин муносабатлар, фоҳишалиқ, жинсий аъзолар, бокираликнинг мавжудлиги ёки йўқлиги ва бошқаларни кўрсатишдир.

11. Рус ва ўзбек тилларининг ихтисослаштирилган эвфемизмлар луғатларида гендер характеридаги муаммолар билан боғлиқ (келин-куёв, эр-хотин, эркак-аёл) уят, уятсизлик, қўполлик, ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар ва ахлоқсиз хулқ-атвор (ичкиликбозлик, қулоққа тепиш, тўймаслиқ, никоҳ муносабатларидаги хиёнат) тушунчаларини алмаштириш ҳамда ўлимдан

кўрқиш, касалликлар, худога сиғиниш, қари кишиларга нисбатан хушмуомала бўлиш тушунчалари акс этган.

12. Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатадики, унда икки тил эвфемизмлари инсонларнинг хатти-ҳаракатини акс эттиради: биринчидан, вариативлиги ва хилма-хиллиги билан; иккинчидан, стереотиплиги билан. Бирор-бир халқнинг миллий-маданий таркиби кишилар фаолиятини уларнинг бирига кадр-қиммат нуқтаи назаридан, яъни яхшилик ва ёмонлик деб, аниқ-этниқ шароитларда ахлоқий қоидаларга риоя қилиш тушунилади. Миллий-маданий алоқани амалга ошириш учун алоқачиларнинг турли маданиятларга мансублигини ҳисобга олиш зарур. Бу жараёнда мулоқот иштирокчилари бир-бирларидан маданий фарқларни англайдилар. Маданиятлар ўртасидаги тафовутлар мулоқот жараёнида қийинчиликларга, ўзаро тушунмовчиликка сабаб бўлади. Модомики, турли маданиятлар вакилларида олинаётган маълумотларни ошкор этиш маълум маданият меъёрлари, қоидалари, анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқиб ҳал қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САТТАРОВА ЕЛЕНА АНАТОЛЬЕВНА

**ВОПРОСЫ ТИПОЛОГИИ И ЛЕКСИКОГРАФИЧЕСКОЕ
ИССЛЕДОВАНИЕ ЭВФЕМИЗМОВ
(на материале русского и узбекского языков)**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение,
сопоставительное языкознание и переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 2021.B2021.1.PhD/Fir995.

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdchti.uz) и Информационно-образовательном портале «Zivonet» (www.zivonet.uz).

Научный руководитель: Хуршидjon Зайинович Хайруллаев
доктор филологических наук

Официальные оппоненты: Нафиса Зафаровна Насруллаева
доктор филологических наук, профессор

Киличев Байрамали Эргашевич
кандидат филологических наук, доцент

Ведущая организация: Джизакский государственный педагогический институт имени А.Кадыри

Защита диссертации состоится 16 ноября 2022 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD 03/30.12.2019.Fil/Ped.83 01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном институте иностранных языков. Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарай, д. 93. Тел.: (99866)238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz.

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного института иностранных языков (зарегистрирована за № 50918). Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарай, д. 93. Тел.: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18.

Автореферат диссертации разослан 28 февраля 2022 года.
(Реестр протокола рассылки за № 36 от «28» февраля 2022 года).



И.М.Тухтаев
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор педагогических наук, профессор

Г.К.Мирсанов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, доцент

Ш.С.Сафаров
Председатель Научного семинара при Научном совете по Присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировой лингвистике вопрос изучения своеобразных аспектов языка определенного народа остается актуальным и востребованным, так как речевая культура становится определяющим фактором развития духовной культуры общества. Среди них явление эвфемии, одного из сложных, многофункциональных и разнообразных по структуре коммуникативных феноменов, владеющего многозначительной, общественной, национально-культурной, исторической, социальной, этнической, психологической, а также лингвистической особенностью. В связи с этим, в мировом языкознании, в рамках современной научной парадигмы, то есть принятой научным сообществом модели рациональной научной деятельности, назрела необходимость исследовать эвфемизмы с новых позиций – позиции национально-культурных свойств в типологическом плане области речевой коммуникации, способствующей выявлению ценностных ориентиров социума, и описанию наиболее значимой формы человеческой деятельности, которая помогает выявить сущность языковой личности.

Для современной мировой лингвистики характерен национально-культурный подход, тесно связанный с функциональным аспектом языка, причем изучение взаимодействия разных языковых ярусов, в том числе языковой эвфемии дает более адекватное и глубокое представление о системных отношениях в языке. Таким образом, актуальность и востребованность темы диссертационного исследования определяется, с одной стороны, недостаточной изученностью особенностей типологии эвфемии русского и узбекского языков, а с другой – отсутствием подобного рода исследований в области лексикографии, что является приоритетным началом для изучения духовной культуры носителей рассматриваемых языков. Важность лексикографической фиксации коммуникативной деятельности человека в современном мире, а также представления ее в форме толковых монолингвальных словарей лексической эвфемизации речи с целью сохранения, объяснения и передачи этнонациональной и социокультурной информации, заложенной в национально-культурной лексике, представляют особую значимость для исследования данного языкового материала.

В процессе интеграции нашей страны в международное сообщество, как отмечает глава государства Ш.М.Мирзиёев «воспитание молодежи в духе национальных и общечеловеческих ценностей, остается для нас вопросом, никогда не теряющим свою актуальность и значимость»¹. Стремительное развитие науки и техники в поликультурном мире требует от молодежи глубокого знания нескольких языков, духовно-нравственных, национально-культурных общечеловеческих ценностей. Это способствует развитию

¹ Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тарвққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови (Обеспечение верховенства закона и интересов человека – гарантия развития страны и благополучия народа). – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИЎ, 2017. – В. 44.

научных исследований, в основе которых лежат общелингвистические, лингвокогнитивные, сопоставительные и другие принципы исследований культурно-речевых средств языка. На современном этапе развития науки о языке в Республике Узбекистан проблема сопоставительного исследования особенностей благозвучной речи, при помощи различных словарей разносистемных языков недостаточно изучена, а исследование эвфемизмов на материале русского и узбекского языков осуществляется впервые в данной диссертационной работе.

Диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренных рядом нормативно-правовых актов, таких как Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5847 от 8 октября 2019 года «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», постановлениях Президента № ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», № ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в широкомасштабных реформах, проводимых в стране», № ПП-5117 от 19 мая 2021 года «О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан», постановлениях Кабинета Министров № 610 от 11 августа 2017 года «О мерах по дальнейшему повышению качества обучения иностранным языкам в образовательных учреждениях», № 816 от 10 октября 2018 года «Об обеспечении высших учебных заведений учебной литературой», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики Узбекистан: I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. В настоящее время признание эвфемизмов в мировом языкознании в качестве языкового явления повлекло за собой создание серьезных исследовательских работ. Значительное влияние в российском языкознании на решение проблемы сути эвфемизации оказали фундаментальные труды таких ученых, как А.А.Реформатский, Н.С.Арапова, Л.П.Крысин, В.П.Москвин, А.М.Кацев, М.Л.Ковшова, Е.П.Сеничкина, Б.А.Ларин, Е.О.Милоенко, В.Н.Ярцева, В.И. Карасик, В.Н.Телия, Ю.С.Баскова, Н.М.Потапова, Е.А.Земская, Д.Н.Шмелев, Е.И.Шейгал, Е.Н.Торопцева, Н.С.Валгина, А.С.Мейриева, J.S.Neaman, C.G.Silver, A. Daubrowska, X.M.Джаббаров, Ш.Ч.Сат, Э.Ахметов² и др.

² Реформатский А.А. Введение в языковедение / под ред. В. А. Виноградова. – М.: Аспект Пресс, 1996. – 536 с.; Арапова Н.С. Эвфемизм // Русский язык: Энциклопедия. – 2-е изд. – М.: Дрофа, 1998. – 636 с.; Арапова Н.

В сопоставительном плане изучению эвфемии посвятили свои научные труды лингвисты Т.Н.Абакова, Е.С.Глиос, А.П.Марюхин, Е.А.Миронова, Л.В.Порохницкая, А.Н.Прудывус, Н.В.Тишина, В.Ю.Харитоновна, Ю.С.Арсентьева, Т.С.Бушуева, Л.В.Порохницкая, Л.В.Артюшкиной, Н.М.Бедова, Н.М.Потапова, Е.Е.Тюрина³ и др.

